

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Жомбой тумани
**НОКИМИ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.ғ. « 01 » Апрел

№ 217-5

Жомбой т., – г. Джамбай

Жомбой тумани “А.Қурбонов” маҳалла фуқаролар йиғини Галакапа кўчасида жойлашган 0,12 гектар ер майдонидан туман АТ “Халқ банки” Жомбой туман филиалига намунали лойиҳа асосида маъмурий бино қурилиши учун ер майдонини танлаш ва ажратиш туғрисида

Ўзбекистон Республикаси Аксидорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилояти филиалининг 2020 йил 21 февралдаги 19-01/466-сонли хатини, Жомбой туман телекоммуникация боғланмасининг 2020 йил 27 февралдаги 37-01/118-сонли, Жомбой туман Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг 2020 йил 25 февралдаги 01/96-сонли, Жомбой туман Электр таъминоти корхонасининг 2020 йил 25 февралдаги 8-сонли, Жомбойтумангаз филиалининг 2020 йил 27 февралдаги 271-сонли, вилоят “Сувоқова” ДУК Жомбой туман филиалининг 2020 йил 26 февралдаги 26-сонли, Жомбой туман фавқулодда вазиятлар бўлимининг 2020 йил 25 февралдаги 10-сонли техник шартларини, Самарқанд темир йўл масофаси бошлигининг 2020 йил 13 мартдаги 414-сонли хатини, Вилоят қурилиш Бош бошқармаси ҳузуридаги “Архитектура-шахарсозлик Кенгаши”нинг 2020 йил 20 мартдаги 10-сонли баёнини ва Ер танлаш давлат комиссиясининг 2020 йил 24 мартдаги далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6, 23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти туғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер танлаш давлат комиссиясининг 2020 йил 24 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин ҳамда Жомбой тумани “А.Қурбонов” маҳалла фуқаролар йиғини Галакапа кўчасида жойлашган қилшоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан туман АТ “Халқ банки” Жомбой туман филиалига намунали лойиҳа асосида маъмурий бино қурилиши учун 0,12 гектар ер майдони ажратилсин.

2. Қурилиш ишлари вилоят Қурилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида, қурилиш лойиҳасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтказган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Туман бош архитектори И.Рашидовга қурилиш ишларини белгиланган муддатда лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Хамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Туйчиев

**Ер майдони танлаш давлат комиссиясининг
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

«24» септ 2020 йил

Жомбой туман ҳокимининг 2019-йил «20» майдаги
2003-Қ-сонли қарорига асосан

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | |
|-----------------------|---|
| 1. Ҳ.Туйчиев | - Жомбой туман ҳокими, комиссия раиси |
| 2. Ж.Каримов | - туман ер ресурслари ва давлат кадастри
булими бошлиғи, комиссия котиби |
| 3. Ҳ.Ҳамраев | - туман ҳокимининг уринбосари |
| 4. И.Рашидов | - туман бош архитектори |
| 5. А.Тураев | - тумани Қишлоқ хўжалиғи булими бошлиғи. |
| 6. А.Ризаев | - тумар Ирригация булими бошлиғи |
| 7. С.Эргашев | - туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш инспекцияси бошлиғи |
| + 8. А.Юсупов | - туман ДСЭНМ бош врач |
| 9. Ш.Азаматов | - туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи. |
| 10. Р.Жураев | - туман ИИБ ЁХХ бошлиғи |
| 11. У.Кубаев | - “Сувоқова” ДУК туман филиали бошлиғи |
| 12. <u>А.Султанов</u> | - МФЙ раиси |

КЕЛИШИЛДИ:

- | | |
|-----------------|---|
| 13. Д.А.Ачилов | - Самарқанд вилоят Экология ва атроф муҳитни
муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи |
| 14. Б.Элмуродов | - Вилоят бош архитектори. |

Ўзбекистон Республикаси Ақсиядорлик тижорат Халқ банки Самарқанд вилояти филиали бошлиғининг 2020 йил 21 февралдаги 19-01/466-сонли хатиға асосан Жомбой туман “А.Курбонов” маҳалла фуқаролар йиғини Галакапа кучаси худудида жойлашган қишлоқ хўжалиғида фойдаланилмайдиган ер майдонидан АТ “Халқ банки” Жомбой туман филиалиға уз ҳисобидан замонавий, аҳолиға хизмат курсатиш мақсадида қулай булган янги маъмурий бино қурилиши учун 0,12 гектар га ер майдонини танлаш ва ажратиш туғрисида

Танланган ер майдонлари рельефи, геология хулосаларига асосан.

Танланган ер майдонлари қуйидагича чегараланди.

Шимолдан-
Жанубдан-
Ғарбдан-
Шарқдан-

Тумир йул
Галакапа кучаси
Бозор худуди
Очиқ ер майдон

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОКЛАРИ

Сувлаштириш	- Лойиха асосида
Канализация	- ДСЭНМ хулосасига кура
Электрлаштириш	- техник шарт асосида
Телефонлаштириш	- техник шарт асосида
Иссиқлик таъминоти	- лойиха асосида

КОМИССИЯ ХУЛОСАСИ

Танланган ер майдони ёнғинга қарши, санитария ва экологик, йул талабларига жавоб беради, ушбу далолатнома тегишли ташкилотларнинг келишувидир.

Ушбу далолатномани тасдиқлаш Жомбой туман ҳокимлигидан сўралсин.

